

№6 (1516)  
2025-YIL  
27-MARTO'ZBEKISTONDA  
SOG'LIQNI SAQLASHЗДРАВООХРАНЕНИЕ  
УЗБЕКИСТАНА

IJTIMOIY –SIYOSIY GAZETA ♦ 1995 –YIL OKTABR OYIDAN CHIQA BOSHLAGAN

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
Қ А Р О Р ИМУБОРАК РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ  
ТЎҒРИСИДА

Янги Ўзбекистонда “Инсон кадри учун, инсон бахти учун” деган эзгу ғоя асосида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар туфайли халқимиз фаровонлигини ошириш, кўпмиллатли жамиятимизда тинчлик-осойишталик, дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш борасидаги ишлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилмоқда. Буларнинг барчаси бағрикенглик, саховат ва шукроналик тимсоли бўлган муборак Рамазон ойини мамлакатимизда тинч-тоғув, файзли ва шуқухли муҳитда ўтказишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Буни эл-юртимиз ўртасида инсонпарварлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат, кам таъминланган ва эҳтиёжманд шахслар, ёрдамга муҳтож оилаларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш каби юксак инсоний фазилатлар айни кунларда янада яққол намоён бўлаётгани ҳам тасдиқлайди.

Улуғ айём – муқаддас Рамазон Ҳайитини ана шундай хайрли ишларни изчил давом эттирган ҳолда ҳар томонлама муносиб кутиб олиш, ўтказиш ва унинг моҳиятида мужассам бўлган эзгу қадрият ва анъаналарни кенг тарғиб этиш мақсадида қарор қиламан:

1. Жорий йилда Рамазон Ҳайитининг биринчи кунини 30 март – якшанба кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилиниб, мамлакатимизда 2025 йил 30 март кунини Рамазон Ҳайити байрами сифатида кенг нишонлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 208-моддасига мувофиқ:

(а) ишланмайдиган байрам кунини ҳисобланувчи Рамазон Ҳайитининг биринчи кунини 2025 йилда якшанба – дам олиш кунига тўғри келиши муносабати билан

ушбу дам олиш кунини 31 март – душанба кунига кўчирилиши;

(б) бунда ишлаб чиқариш-техник ва ташиқлий шароитлар (мавжуд узлуксиз ишлаб чиқариш, аҳолига ҳар кунини хизмат кўрсатиш, навбатчилик асосида ишлаш ва бошқалар) туфайли ишланмайдиган байрам кунлари тўхтатиб қўйиши мумкин бўлмаган ишларни бажаришда дам олиш кунлари кўчирилмаслиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмитаси, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ҳудудларда Рамазон Ҳайитини халқимизнинг миллий анъана ва урф-одатларига уйғун ҳолда ўтказиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.

Туризм қўмитаси Транспорт вазир-

лиги билан биргаликда юртдошларимиз учун Рамазон Ҳайити кунларида мўътабар зиёратгоҳлар ва тарихий кадамжоларга зиёратларни ташкил этиш мақсадида қулай шароит ва имкониятлар яратсин.

4. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон Ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.Қ. Давлетов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
26 март, 2025 йил

Ўзбекистон тиббиёти – инсон кадри учун

## САДОҚАТ ВА МАТОНАТ

## ОНА ДИЛБАНДИГА БИР БУЙРАГИНИ БЕРДИ

Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманида истиқомат қилувчи Хушнуд Рустамалиевга бундан 4 йил олдин 14 ёшида буйрак этишмовчилик табиқиси қўйилган эди. Ёш йигитнинг ота-онаси дастлаб бунга ишонгиси келмади, қайта-қайта тиббий кўрикдан ўтказди, бироқ шифокорларнинг хулосаси ўзгармади.

Албатта, бундай вазиятда маслаҳат берувчилар кўпаяди, хорижга бориб даволашни, донор топишни ва буйракни алмаштиришни тавсия қилганлар ҳам бўлди. Вақт ўтган сайин беморнинг ҳолати оғирлашди, ўтган йилдан бошлаб гемодиализ ола бошлади. Шифокорларнинг маслаҳати билан оила сўнги нажот буйрак трансплантацияси амалиётини ўтказишга қарор қилди. Жаррохлик амалиёти беморнинг яшаш жойига яқин - Ангрэн шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли туманлараро қўшма жароҳат ва ўткир кон-томир касалликлари марказида амалга ошириладиган бўлди. Амалиётга академик Восит Воҳидов номидаги Республика

ихтисослаштирилган жаррохлик илмий-амалий тиббиёт маркази гуруҳи ҳамда маҳаллий шифокорлар ҳам жалб қилинди.

Донор беморнинг онаси 1983 йилда туғилган Муборак Сувонқулова жигаргўшасига буйрагининг бирини берди. Қарийиб 6 соат давом этган мураккаб жаррохлик амалиёти

Республика ихтисослаштирилган жаррохлик илмий-амалий тиббиёт маркази гуруҳ раҳбари профессор Баҳриддинов Фазлиддин, тиббиёт фанлари доктори Маткаримов Зоҳиджон, врач-трансплантолог Абдуғафуров Зафарбек, анестезиолог-реаниматолог Ғуломов Баҳриддин, шунингдек, маҳаллий шифокорлардан вилоят бош хирург

“Дунёда шундай бир улуғ зот борки, биз ундан доимо қарздормиз. У ҳам бўлса онадир”. Ҳа, бу пурмаъно фикр олдида мен ҳам онажонимдан умрим охиригача қарздор эканлигимни чин юракдан янада чуқур ҳис қилдим, - дейди Хушнуд РУСТАМАЛИЕВ.



Абдуллаев Низом, вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази хирургия бўлим мудири Очилов Шерзод, ВКТТМ хирургия бўлимидан Ангрэн шаҳар кура-

тори Жумаев Шахзод, ВКТТМ урологи Абдурашидов Абдор, Ангрэн шаҳар



Ўзбекистон тиббиёти – инсон қадри учун

# САДОҚАТ ВА МАТОНАТ

## «Давоми. Боши 1 –бетда

тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Иманов Фуркат ҳамда Ангрэн шаҳар тиббиёт бирлашмасидаги хирург, анестезиолог ва урологлар буйрак трансплантациясини ҳамкорликда муваффақиятли амалга оширишди. Катта синовларни бошидан ўтказган бемор соғлом ҳаётга қайтадиган бўлди.

Мутахассисларнинг қайд этиларича, буйрак кўчириб ўтказиш жаррохлик амалиёти дунёда энг қimmat муолажалардан бири ҳисобланади. Бундай амалиётлар кўпроқ Ҳиндистон, Туркия, Европа давлатларида бажарилган, нархи 20 мингдан 50 минг долларгача баҳоланган. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мамлакатимизда буйрак ва жигар бўлагини трансплантациясига 2017 йилдан рухсат берилди, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори қабул қилинди. Аҳамиятли жиҳати шундаки, жуда катта харажат талаб қиладиган мазкур амалиёт мамлакатимиз аҳолиси учун асосан бепул амалга ошириляпти, Ўзбекистон ушбу зиммасидаги вазифани тўлиқ адо этмоқда. Ўтган давр

мобайнида Тошкент вилоятида истикомат қилувчи 320 нафар бемор ана шу имкониятдан фойдаланди. Уларнинг 8 нафариди буйрак кўчириш амалиёти худудлар кесимида-вилоятнинг туман ва шаҳарларида бажарилди. Яна бир жиҳат, жаррохлик амалиётини бошидан ўтказган бемор мунтазам равишда турли ҳил дориларни истеъмол қиладди. Бундай дориларнинг асосий қисми ривожланган давлатларда ишлаб чиқарилади, нархи ҳам қimmat. Бугун ана шу харажатлар ҳам давлат ҳисобиЛан қондириляпти, бюджетдан миллионлаб доллар миқдоридидаги маблағ ажратилмоқда. Қайд этилишича, Ангрэн шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли бўлимларнинг босқичма-босқич таъмирланиши, замонавий жиҳозланаётгани кўшимча имкониятлар туғдирди, мураккаб жаррохлик амалиётлари шу ернинг ўзида амалга оширилиши ҳудуд аҳолисига жуда катта қулайликлар яратмоқда.

–Хушнуд ва унинг онасини жаррохлик амалиётини ўтказиш вақтида оиланинг яқинлари, қариндошлари, ҳамқишлоқлари касалхона худудида бўлишди, кутишди. Бемор йигитнинг бувиси учун 6 соат йилларга чўзилган-



дек туюлди, набираси ва келинининг амалиётдан кейинги ҳолатини эшитиб онахоннинг аччиқ кўз ёшларининг ўрнини қувонч ёшлари эгаллади. Қайд этилишича, бугун мамлакатимизда 10 минг нафарга яқин беморга буйрак етишмовчилиги ташхиси қўйилган бўлиб уларнинг ярми 5 мингдан зиёди гемодиализни олади, буйрак трансплантациясига эҳтиёж сезмоқда. Бу каби мураккаб жаррохлик амалиётларини туман-шаҳарлар кесимида ўтказилиши ана шу каби беморларни ҳам соғлом ҳаётга қайтаришга хизмат қиладди, ои-

лаларнинг мушқулени осонлаштирадди, харажатларини тежайди. Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотлардан, тиббиётни халққа яқинлаштиришдан кўзланган асосий мақсад ҳам ана шунда. Айни кунда она ва боланинг саломатлиги қониқарли – дейди, Тошкент вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг бош хирургни Низом Абдуллаев

**Мухиддин АБДУЛЛАЕВ.**  
Тошкент вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг матбуот қотиби.

# СЕН МЕНИНГ БОРЛИГИМСАН, ҲАЁТИМСАН...

*Азиз муштарийлар! Юқоридидаги давомли мақоламиз номини “Садоқат ва матонат” она дилбандига бир буйрагини берди деб бежизга номламадик. Муштипар она тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз дақиқа ўз вужудиди фарзандини кўтариб дунёга келтиргандан сўнг, уни бағрига босиб, тунларни бедор ўтказиб, “Сен менинг борлигимсан, ҳаётимсан” деб эркалайдиган зотдир. Қуёшдан сўрашибди сени тафтингдан ортиқ тафт борми? Шунда қуёш қуйидагича жавоб берибди. Менинг тафтимдан ҳам юқори турадиган она меҳри бор дебди.*

**Х**а, онажонларимиз ҳақида бундай эътирофли фикрларни санаб-саноғига ета олмаймиз. Осон эмаски, мурғак гўдақни вояга етказиш ва унинг камолини кўриш. Агар дилбанди дард чекса ота-онанинг кўзига дунё қоронғу бўлиб кўринади. Зеро, ҳаётда қанчадан-қанча воқеаларнинг гувоҳи бўлиб келмоқдамиз. Ана шундай ҳаётий воқеалардан бири жорий йилнинг 12 март куни Тошкент вилояти Ангрэн шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли туманлараро қўшма жароҳат ва ўткир қон-томир касалликлари марказида буйрак кўчириб ўтказиш операцияси амалга оширилди. Она ўз фарзандига бир буйрагини берди. Юқори технологияли операция меҳнати таҳсинга лойиқ бўлган юртимиз тиббиёт ходимларининг маҳорат ва тажрибаси туфайли муваффақиятли ўтказилди. Операциядан 14 кун ўтгач, ўз фарзандига буйрак берган

Оҳангарон туман Увак маҳалла фуқаролар йиғинида истикомат қилувчи **Муборак Сувондиқова ва дилбанди Хушнуд Рустамалиев билан суҳбатда бўлдик.**

–Авваломбор, халқимиз саломатлигини ўйлаб, кенг имкониятлар яратиб бераётган Президентимизга чексиз миннатдорлигимни билдираман. Ота-она учун дилбандининг дард чекиши жуда оғир бўлар экан. Фарзандимиз Хушнуджон 18 ёшда. У 14 ёшга тўлганда саломатлигида ўзгариш бўла бошлади. Шифокорларга мурожаат қилдик. Тиббий кўрикдан ўтгач, боламизда буйрак етишмовчилиги ташхиси қўйилди. 2022 йилдан 2024 йилгача бу касаллик бўйича муолажалар қабул қилди. Афсуски, Хушнуджоннинг саломатлигида ўзгариш бўлиш ўрнига хасталик авж олди. Ҳатто, кейинги пайтларда гемодиализ қабул қилишни ҳам бошлади. Тўғриси айтганда фарзанднинг ота-она олдида оғир дард

чекиши жуда қийин экан.

Охири чорамиз шифокорлар тавсияси билан Хушнуджонга буйрак кўчириб ўтказиш амалиёти бўйича худудимиздаги шифокорларга мурожаат қилдик. Улар бизга бу жараён бўйича талабларни тушунтиришди. Оилавий рози бўлдик. Жондан азиз фарзандимга менинг буйрагимни кўчириб ўтказиш мумкинлиги аниқланди. Мен бундан жуда хурсанд бўлиб, ҳатто жонимни беришгача ҳам тайёр эдим. Операцияга қадар биз она-болани амалиётга тайёрлашди. Ниҳоят биз кутган кун етиб келди. 2025 йилнинг 12 март куни Тошкент вилояти Ангрэн шаҳар тиббиёт бирлашмасида Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг бир гуруҳ тиббиёт ходимлари ва маҳаллий шифокорларимиз томонидан буйрак кўчириб ўтказиш амалиёти муваффақиятли бажарилди. Тўғриси айтганда операция олди жуда хаяжонландим. Жондан азиз фарзандимнинг чехрасига қарар эканман, ундаги ҳорғинлик, ичидаги кечинмалар менга хотиржамлик бермас эди. Тажрибали шифокорларнинг машаққатли ва масъулиятли меҳнатлари билан амалга оширилган операциядан сўнг мен ва фарзандим ўзимизга келганимизда кўзларимдан қувонч ёшлари қалқиди. Хушнуджон ёнимда эканлигидан ва унинг чехрасидаги табассумини кўриб, она учун бундан ортик



хурсандчилик ҳамда бахт бўлмаса керак деб, ҳайқиргим келди. Операциядан сўнг шифохонада 15 кун даво муолажаларини олган бўлсак, меҳрибон, ғамхўр шифокору ҳамширалар ёнимиздан бир дақиқа ҳам кетишмади. Албатта, бундай юқори технологияли операция осонликча амалга оширилмади. Бунда Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказидан келган бир гуруҳ ва Тошкент вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда Ангрэн шаҳар тиббиёт бирлашмасидан тажрибали ҳамда қўли енгил шифокорлар иштирок этиб, фарзандимни дардан фориғ этганликлари учун оиламиз номидан чексиз ташаккуримни изҳор этаман. Шу ўринда айтишим лозимки, бу юқори технологияли операция бепул амалга оширил-

ди. Давлатимиздан ҳам мингданминг розимиз. Улар халқимиз бахтига доимо омон бўлишсин, – дейди **Муборак Сувондиқова.**

–Меҳрибоним, ғамхўрим онажонимдан бир умр қарздорман. Тўрт йилдан буён бу дард бўйича қанчалар азобланган бўлсам, отажоним ва онажоним ҳам мен билан бирга дард чекдилар. Шу кунгача етиб келишимиз осон бўлмади. Юртимиз шифокорларининг машаққатли ҳамда масъулиятли меҳнатлари туфайли оғир дардан халос бўлдим. Онажонимнинг бу матонатларини ҳеч нарсага тенг қила олмайман. Операциядан сўнг ўзимга келганимда муштипар онажонимнинг ёнимда турганларини кўриб йиғлаб юбордим. Мана бугун бизга уйга кетишга рухсат берилди. Онажоним мени бағри-

Давоми 2–бетда →



# СЕН МЕНИНГ БОРЛИГИМСАН, ҲАЁТИМСАН...

← Давоми. Боши 2 – бетда

ларига босиб, кўзларидаги қувонч ёшлари билан юзларимдан қайта-қайта ўпиб, Президентимиз ҳамда менга ҳаёт бахш этган шифокору ҳамшираларни дуо қилдилар. Мен ҳам уларга ўзимнинг қалбим тўридаги миннатдорлигимни билдираман. Донишмандлардан бири “Дунёда шундай бир улуг зот борки, биз ундан доимо қарздормиз. У ҳам бўлса онадир” деган экан. Ҳа, бу пурмаъно фикр олдида мен ҳам онажонимдан умрим охиригача қарздор эканлигимни чин юракдан янада чуқур ҳис қилдим, - дейди **Хушнуд Рустамалиев**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил “Хирургия хизматини трансформация қилиш, ҳудудларда жарроҳлик амалиётлари сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5254-сонли қарорининг қабул қилинганлиги бугунги кунда кўплаб фуқароларимизнинг дарддан фо-

риг этишда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда десам хато бўлмайди. Жорий йилнинг 12 мартида мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг бир гуруҳ

**Онажонимнинг бу матонатларини ҳеч нарсага тенг қила олмайман. Операциядан сўнг ўзимга келганимда муштипар онажонимнинг ёнимда турганларини кўриб йиғлаб юбордим.**

шифокорлари томонидан Тошкент вилояти Ангрен шаҳар тиббиёт бирлашмасида буйрак трансплантацияси амалиёти муваффақиятли амалга оширилди. Мазкур операцияда она фарзандига бир буйрагини берди. Кўз олдимизга келтиради. Ёд танага бошқа тана аъзосини

ўтказиш қанчалик машаққат эканлигини, ундан кейин эса ёд танадан жой олган аъзонинг жойлашиши ўта масъулият эканлигини яхши биламиз. Бунинг учун операция жараёнида хирург, врач трансплантолог, анестезиолог-реаниматолог ва нефрологларнинг ҳамкорлигидаги ишлари муҳим ўрин тутди. Операция давомида соғлом танадан аъзони олиш ва уни ўз меъёрида сақлаб бемор танасидан макон топиши соҳа ходимларидан жуда хушёрлик, синчковлик ва тажриба талаб этади. Бундай амалиётлар олти-етти соат давом этади. Операцияда кейинги ҳолатларнинг ҳам ўзга хос талаблари бўлади. Айниқса, бемор танасидан макон топган аъзо қай даражада жойлашганлиги ва фаолиятга киришгунча тиббиёт ходимлари доимий назоратда бўладилар. Ана

шундай амалиётни бошидан кечирган она Муборак Сувондиқова ва фарзанди Хушнудлар операциядан сўнг доимий назоратимизда бўлишди. Мазкур операция муваффақиятли ўтди. Онанинг бир буйраги фарзандининг танасидан жой олди. Беморнинг аҳволи яхшиланиб, пешоблари раво чикди. Қон микдоридаги меъёрий ҳолатлар аста-секинлик билан ўзига кела бошлади. Дори-дармонлар, керакли муолажалар ўз вақтида олиб борилди. Она ва боланинг бугунги кундаги ҳолати яхшиланиб бораётганлиги инобатга олиниб уларига рухсат берилди. Уларга шифохонадан рухсат берилган бўлсада она ва бола доимий назоратимизда бўлишди, - дейди **Ангрен шаҳар тиббиёт бирлашмаси нефролог ва Шарифжон Бўтаев**.

*Хулоса ўрнида айтиш жоизки, бундай юқори технологияли операцияларнинг мамлакатимизда ўтказилаётганлигидан халқимиз аҳли мамнун бўлмоқда.*

**Ибодат СОАТОВА,**  
журналист.

## Имконият

**Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумоти-га кўра, ўтган йили дунё бўйича 10,8 миллион кишига туберкулёз ташхиси қўйилган. Улардан 1,25 миллион нафари касаллик оқибатида ҳаётдан кўз юмган. Экспертлар кўрсаткичлар йил сайин ошиб бораётгани, қолаверса, сайёрамиз бўйича хасталикнинг дориларга чидамли турлари кенг тарқалаётганидан хавотирда. Шунга қарамай, Ўзбекистонда туберкулёзни аниқлаш ва даволаш борасида катта ютуқларга эришилмоқда.**

**А**вваллари касалликни лаборатор усулда аниқлаш учун 3 ойгача вақт кетар эди. Ҳозир эса юртимиз бўйича 136 та ген-молекуляр анализатор аппарати келтирилиб, 97 та замонавий лаборатория ташкил этилган. Улардан 40 таси туманларда фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, балғам намуналарини туман (шаҳар)лардан асосий лабораторияларга ўз вақтида олиб келиш учун логистика хизмати йўлга қўйилган. Бинобарин, ташхис қўйиш

лида, 14 ёшдан катталарда эса рентген усулида туберкулёзни аниқлаш йўлга қўйилиб, илк маротаба 10 та вилоятда “Ўпка саломатлиги” мобил бригадалари ташкил этилди. Туберкулёз хасталиги тарқалишининг олдини олиш учун янги туғилган чақалоқларни эмлаш қамрови 99,5 фоизга етказилди. Айрим сабабларга кўра, вакцина олмаган болаларда туберкулин ёрдамида тери

фоизга етказилди ва бу ЖССТнинг хасталикни тугатиш стратегияси мақсадларига мосдир. Шунингдек, силнинг турғун шаклидан азият чекаётган беморларни даволаш самардорлиги 91,2 фоиздан 95 фоизгача оширилиб, муолажа муддати 2 йилдан 6-9 ойга қисқарди. Бу – дунёнинг жуда кам сонли давлатлари эришган кўрсаткичдир.

Рақамли технологиялар ёрдамида беморларни қўллаб-қувватлаш мақсадида амбулатор даволашнинг видеоназорат усули бутун мамлакат бўйлаб татбиқ қилинди. Ушбу инновацион ёндашув, айниқса, олис ва чекка ҳудудларда яшовчи аҳолида даволаниш имкониятларини кенгайтирмоқда. ЖССТнинг 2023-2030 йилларга мўлжалланган тегишли Ҳаракатлар режасига мувофиқ, 2023-2024 йилларда мамлакатимиз бўйича бу йўналишда салмоқли ишлар амалга оширилди. Туберкулёз билан касалланишга мойил хавф гуруҳига мансуб аҳоли ўртасида кенг қамровли скрининг тадбирлари ўтказилди. Замонавий диагностика усуллари кўламини кенгайтирилди. Беморларни даволаш учун давлат бюджети маблағлари ҳисобидан сифатли дори воситалари харид қилинди ва хасталикнинг олдини олиш мақсадида мулоқотдаги шахслар ўртасида профилактик муолажалар олиб борилди. Эслатиб ўтамиз, ҳар йили дунё бўйлаб 24 март “Бутунжаҳон туберкулёзга қарши кураш куни” сифатида нишонланади. Бу йил ҳам мазкур сана муносабати билан “Ҳа! Туберкулёзга барҳам бера оламиз! Мажбуриятлар, инвестициялар, натижалар” шиори остида жаҳоннинг турли нуқталари, жумладан, мамлакатимизда кенг қамровли тарғибот тадбирлари ўтказилди.

## САЛОМАТЛИК ЙЎЛИДАГИ ИМКОНИАТЛАР



учун сунъий интеллект билан жиҳозланган 46 та ультрапортатив рентген аппарати жойларга етказиб берилган. Улар ёрдамида, ҳатто, оғир ётиб қолган беморлар хонадонигача боришиб, ўпка ва кўкрак қафасида қандай патологик жараёнлар кечаётганлиги тезкор равишда аниқланиши.

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 20 январдаги “2023-2026 йилларда фтизиатрия ва пульмонология хизматини янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида 14 ёшгача бўлган хавф гуруҳига мансуб аҳоли қатламида иммунодиагностика усу-

синамаси ўтказилиб, кейин эмланди. Сўнгги 22 йилда мамлакатимизда касалланиш даражаси 2 баробардан, ўлим кўрсаткичи эса 10 баробардан кўпроқ камайишига эришилди. Ўз навбатида, 1-тур сезувчан туберкулёзга чалинган беморларни даволаш самардорлиги кейинги йилларда 90

**Наргиза ПАРПИЕВА,**  
Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази директори.



Ўзбекистон тиббиёти – инсон қадрини учун

# ШИФОКОРЛАР ПРОФИЛАКТИКА, ХАЛҚИМИЗ

*Мамлакатимизда “Инсон қадрини учун” деган эзгу тамойил асосида барча соҳаларда ислохотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, Президентимиз томонидан қабул қилинган қатор қарор ва фармонлар асосида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати ва кўламини кенгайтириш, соҳага илгор инновацион технологиялар, замонавий ташхислаш ва муолажа усулларини татбиқ қилиш бўйича амалий ўзгаришларни нафақат шифокорлар балки, бутун халқимиз ўз ҳаётларида ҳис этишни бошлади. Хусусан, тиббиёт соҳасида ўтказилаётган чуқур ислохотлар натижасида яхлит вертикал бошқарув тизими жорий қилиниб, хизмат кўрсатиш кўламини маҳаллагача туширилди.*



**А**йтишим муҳимки, травматология ва ортопедия соҳасида авваллари фақатгина пойтахтда бажарилган операциялар бугунги кунда, вилоят, ҳатто туман даражасида йўлга қўйилди. Шунинг таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда мамлакатимизда йирик бўғимлар ва умуртқа поғонаси жарроҳлигида замонавий, жумладан, минимал инвазив технологиялар кенг қўлланилмоқда. Маълумки, яқин-яқин вақтларгача беморларимиз оддий операциялар учун худудлардан Тошкентга, юқори технологик операциялар учун катта маблағ сарфлаб хорижга боришга ёки бизнинг марказимизда даволаниш учун 2-3 йиллаб навбатда туришга мажбур эди. Буларнинг барчаси кечаги кунимизнинг аччиқ ҳақиқатлари, десак, тўғри бўлади. Яратганга шукрлар бўлсинки, улар ўтмишда қолди. Давлатимиз раҳбари томонидан яратиб берилган имконият ва шароитлар натижасида охириги 3 йилда 200 нафар травматолог-ортопедлар – 12 та хорижий давлатда, 300 нафар травматолог-ортопедлар мамлакатимиз ва хорижий давлатларда ўтказилган анжуманларда, 450 нафар маҳаллий мутахассис – Тошкентда тиббиёт ходимларни касбий малакасини ошириш марказида, 200 нафар травматолог-ортопедлар ўз иш жойида, 265 нафар ҳамкасбларимиз эса марказнинг ўзида амалий кўникма ва касбий маҳоратини оширди. Бевосита марказнинг малакали мутахассислари томонидан худудларда ҳар йили 5 мингдан зиёд тиббий кўриклар, 300 дан зиёд юқори технологик операциялар амалга оширилаётгани ҳам аҳоли учун қулайлик туғдирмоқда. Ҳозирги кунда, Республикаимиз бўйлаб ҳар йили 10 мингдан ортиқ чанок-сон ва тизза бўғимларни эндопротезлаш



**Юртбошимизнинг “Ҳамма ўз иши билан шугулланса бўлар экан-ку” деган сўзлари нақадар ҳақиқат эканлиги ўз исботини топди. Шифокорларимизнинг ўз касбига меҳри ортди, уларнинг билим ва малакаси, иш тажрибаси юксалмоқда.**

операциялари муваффақиятли амалга оширилмоқда. Операцияларнинг салмоқли қисмини аҳолининг ижтимоий гуруҳлари учун давлат томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан бажарилаётган амалиётлар ташкил этади. Илмий изланишлар кўламини охириги 3 йил ичида 2 баробарга ортиб, 38 нафар травматолог-ортопедлар докторлик ва номзодлик диссертацияларини ёқлади, 22 та мавзуда илмий изланишлар олиб борилди.

Бир сўз билан айтганда, Юртбо-

шимизнинг “Ҳамма ўз иши билан шугулланса, қилса бўлар экан-ку” деган таъбирлари нақадар ҳақиқат эканлиги ўз исботини топди. Шифокорларимизнинг ўз касбига меҳри ортди, уларнинг билим ва малакаси, иш тажрибаси юксалмоқда, дунёқараши, онги бугун бутунлай бошқача. Президентимиз томонидан тиббиёт ходимларига ва тиббиёт соҳасига берилаётган юксак эътиборлари мамлакатимиздаги травматолог-ортопедлар жамоасига катта куч-ғайрат бағишлаб, янги марралар сари илҳомлантирди. Давлатимиз раҳбари томонидан бизга билдирилган бундай юксак ишонччи оқлаш мақсадида аҳолига юқори технологик жарроҳлик ёрдами кўрсатиш сифатини янада ошириш ҳамда бундай муҳим тиббий амалиётни туманлар даражасига тушириш бўйича 2025 йил учун бир қатор режа ва марраларни белгилаб олдик. Марказда 2025 йил январь-февраль ойлари давомида умуртқа поғонаси бел қисми эндоскопияси ва диск чурраларини бипортал усулда олиш, чанок-сон бўғими косачаси дефектларини эндопротез косача компонентини стабил туришида аллосуюк ва бонграфт билан тўлдириш, поланд синдромида орқа сербар мушагининг Matrix Rib ёрдамида кўчириш, тизза бўғими фронтал ностабилигида медиал

коллатерал боғлам орқа қийшиқ тутамини тиклаш, умров суягини акромион қисмидан чиқишларида ёпиқ усулда умров суяги акромиал қисмини “Endobutton” ёрдамида тумшуксимон ўсикка фиксациялаш, билан ва тирсак суякларини синишларида бир вақтнинг ўзида блокловчи интрамедулляр стерженлар билан остеосинтез қилиш, чанок-сон бўғими косачаси томи дефектларини ацетабуляр усти Logeeks 3D колоннаси ёрдамида тўлдириш ҳамда тизза бўғими хочсимон боғламлари жароҳатларида стресс рентгенография каби 8 турдаги янги юқори технологияли даволаш ва диагностика усуллари татбиқ этилди.

Вилоятлар кесимида марказда даволанган беморлар таҳлили шуни кўрсатадики, марказда имтиёзли йўлланмалар асосида даволанган беморлар сони кескин кўпайган. Яна шу нарса маълум бўладики, ҳудудий филиаллардаги мутахассисларни юқори технологик операцияларни бажариш учун маҳорат мактабларида ўқитиш, ҳукуматимиз томонидан филиалларни моддий-техник базасини ривожлантириш жараёнлари жадал суратларда ўтказилиши натижасида узоқ вилоятлардан беморларнинг марказга мурожаат қилиб келиши кескин камайган. Бу эса давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан имтиёзли қатламга мансуб бўлган беморларга қаратилаётган эътиборнинг йилдан йилга ошиб бораётганининг яққол исботидир. Вилоят, туман ва шаҳарларда аҳоли ўртасида бирламчи касалликларнинг олдини олиш ва эрта аниқлаш, тиббий кўрикдан ўтказиш, муайян касалликларни бўйича мақсадли скрининг текширувларини амалга ошириш, ҳудудий тиббиёт муассасаларида мураккаб ташхислаш, даволаш ва жарроҳлик амалиётларини амалга ошириш мақсадида марказ томонидан 2025 йил



Ўзбекистон тиббиёти – инсон қадрли учун

# ЭСА СОҒЛИҒИ УЧУН МАСЪУЛ БЎЛИШИ КЕРАК



давонида ҳудудларга чиқишлар режа жадвали тузилиб шу кунга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Самарқанд, Фарғона, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларига шахсан Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази жамоаси 22 нафар мутахассислар ҳудудларга ташриф буюрдик. Ушбу чиқишлар давонида 680 нафар беморга тиббий ёрдам кўрсатилди, 37 нафар беморларда йирик бўғимларни эндопротезлаш, узун суякларни синишларида блокловчи интрамедулляр остеосинтез, тизза бўғими касалликларида артроскопик диагностика ва даволаш каби юқори технологик операциялар ҳудудлардаги мутахассислар билан биргаликда жойларда бажарилди. Жами вилоятларда чаноқ-сон бўғимини ревизияси ва цементли спейсер ўрнатиш, елканинг икки бошли мушагининг жароҳатларида МРТ ташхислаш ва даволаш усули, тизза бўғими хочсимон боғламлари жароҳатларида стресс рентгенография ва иккала хочсимон боғламларини бир вақтни ўзида аутопластикаси, умуртка канали кўкрак-бел қисмлари стенозларида эндоскопик декомпрессия усуллари каби жами 5 турдаги, туман шифохоналарида сон суяги синишларида ретроград усулда блокловчи интрамедулляр остеосинтез, сон суяги кўстлараро синишларида гамма штифт ёрдамида остеосинтез, чаноқ-сон ва тизза бўғимларини эндопротезлаш, тизза бўғими диагностика усуллари татбиқ этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 майдаги 4310-сонли, 2020 йил 7 апрелдаги 4666-сонли қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2020 йил 15 июндаги 160-сонли буйруғи ижросини таъ-



минлаш мақсадида ўтган йилнинг январь-ноябрь ойларида 22 нафар мутахассислар марказда тизза бўғими патологияларини замонавий юқори технологияли артроскопик усуллар ёрдамида ташхислаш ва даволаш, умуртка поғонаси дегенератив касалликларини эндоскопик усулда даволаш, йирик бўғимлар патологиясида замонавий юқори технологияли тотал эндопротезлаш, ортопедик касалликларни блокадалар ва маҳаллий инъекциялар ёрдамида даволаш усуллари бўйича мавзувий малака ошириш курсларида қайта тайёрланди ва сертификатлар билан таъминланди. Телемедицина йўналиши бўйича марказда 2025 йил бошидан ҳудудлар билан боғланишларда 26 та тиббий маслаҳат, 10 та консилиум ва 16 та намойиш амалиётлари ўтказилди, натижада барча беморларга яшаш жойида даволаниш имконияти яратилди.

Ҳудудларда, шу жумладан бирламчи бўғинда болаларда энг кўп учровчи ва туғма нуқсонлар сирасига кирувчи чаноқ-сон бўғими дисплазияси ва сон суягининг туғма чиқиши, туғма бўйин қийшиқлиги, туғма маймоқлик, туғма сколиоз ва туғма кўкрак қафаси деформациялари каби касалликларни эрта намоён бўлиш белгилари, ушбу касалликларни профилактика қилиш мавзуларида

махсус плакатлар ва видеороликлар тайёрланиб аҳолининг тиббий маданиятини ошириш мақсадида барча туман тиббиёт муассасаларига етказилди. Болалар ортопедик касалликлар структурасида охириги йилларда ҳудудларда эрта диагностика ва консерватив даволаш йўлга қўйилганлиги сабабли операциялар сони 75 фоизга камайди. Бу кўрсаткични янада камайтириш учун янги туғилган барча чақалоқларни ультратовуш текшируви орқали дисплазияни эрта аниқлаш тизими жорий этилади. Ҳудудларга марказ мутахассисларини чиқишлари оммавий ахборот воси-

ортопедлар ассоциацияси, Қирғиз травматолог-ортопедлари ассоциацияси, Жанубий Кореянинг Инчон Сент Мари госпитали, Россиянинг Приоров номидаги травматология ортопедия маркази, Пирогов номидаги университет, Вельтищев номидаги институт, Беларусь травматология ва ортопедия маркази, Ўзбекистон темир йўллари Акциядорлик жамияти, Бухоро соғлиқни сақлаш бошқармаси, Тошкентдаги Европа тиббиёт университети каби хорижий ва маҳаллий муассасалар билан меморандумлар тузишга муваффақ бўлган бўлса ҳамкорлик шартномаларни сони жами 20 тага етказилди. Марказнинг 50 га яқин мутахассислари Россия Федерацияси, Англия, Жанубий Корея, Германия, Италия, Беларусь, Туркия, Қозоғистон, Хиндистон, Хитой, Бирлашган Араб Амирликлари давлатларининг етакчи клиникаларида малака ошириб келишга муваффақ бўлишди. Тажриба алмашиш, мастер класслар ўтказиш, янги технологияларни жорий қилиш ва ҳудудларда тиббий кўриклар ва операцияларни ўтказиш мақсадида Хитой, Россия, Германия, АКШ, Корея, Туркия, Беларусь, Хиндистон давлатларидан ҳозирги кунгача 100 га яқин нафар малакали мутахассисларни мамлакатимизга ташрифи амалга оширилди.

Келгусида, ишончимиз комилки, ҳар биримиз халқимизга сидқидилдан хизмат қилишдек – улғу туйғу билан яшаб, бугунги ислохотларни – бу мен орзу қилган ислохотлар деб, уларни амалга оширишда фаол иштирок этадиган бўлсак, ҳалол ва фидокорона меҳнатимиз билан албатта, аҳоли саломатлигини асрашда астойдил хизмат қиламиз. Шу ўринда, халқимиздан соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, бадантарбия қилиш, тўғри овқатланиш, жисмоний фаолликни кундалик эҳтиёжга айлантиришини, ҳамкасбларимдан касалликларни олдини олиш, барвақт аниқлашда масъулият билан ёндошишини сўраб қоламан.

Зеро ҳар қандай касалликни даволашдан кўра уни олдини олиш афзаллигини алломаларимиз томонидан такрор ва такрор кўп таъкидланган. Шунинг учун биз шифокорлар профилактика учун, халқимиз эса ўз соғлигини асраш ва шифокор тавсиясини бажаришга масъул бўлиши керак.

**Муроджон ИРИСМЕТОВ,**  
Республика ихтисослаштирилган  
травматология ва ортопедия  
илмий-амалий тиббиёт  
маркази директори.



**50 га яқин мутахассислар  
Россия Федерацияси,  
Англия, Жанубий Корея,  
Германия, Италия,  
Беларусь, Туркия,  
Қозоғистон, Хиндистон,  
Хитой, Бирлашган  
Араб Амирликлари  
давлатларининг етакчи  
клиникаларида малака  
ошириб келишди.**

таларида ҳам кенг ёритилиб борилди. Жами марказ мутахассисларини вилоятлар ва марказдан тайёрланган марказий ва маҳаллий телеканалларининг 30 дан ошиқ телекўрсатувлари, ижтимоий тармоқ ва газета саҳифаларида марказда ва ҳудудларда бажарилаётган юқори технологик амалиётлар ва маҳорат дарслари ҳақидаги маълумотлари билан чиқишлари амалга оширилди.

Халқаро муносабатлар ва келишувлар борасида марказ Хитой



## Халқаро ва миллий қонунчилик таҳлили

Бугунги кунда кексаларнинг жамиятдаги ўрни ва уларнинг ижтимоий фаоллиги глобал долзарб масалага айланган. Демографик ўзгаришлар, яъни кексалар сонининг ортиши натижасида кўплаб давлатлар ижтимоий ҳимоя ва фаолликни таъминлаш йўллари изламоқда. Кексаларнинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маданий жиҳатдан жамиятга фаол қўшилиши нафақат уларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, балки умумий ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бу борада халқаро ва миллий қонунчиликнинг роли муҳим аҳамият касб этади. Ушбу мақолада кексаларнинг жамиятдаги ўрни ва уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган халқаро ва миллий қонунчилик таҳлил қилинади.

**Х**алқаро даражада кексаларни таъминлашга доир қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинган. БМТ, Европа Иттифоқи ва бошқа халқаро ташкилотлар бу борада етакчи ўрин тутаяди. Энг муҳим ҳужжатлар қуйидагилардир:

БМТнинг Кексаларнинг ҳуқуқлари бўйича тамойиллари (1991-йил). Ушбу ҳужжат кексаларнинг асосий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган бўлиб, улар орасида мустақиллик, қатнашиш, ғамхўрлик, шахсий қадр-қиммат ва ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳуқуқлари мавжуд. БМТнинг мазкур тамойиллари кексаларнинг ўз ҳаётини изчил давом эттиришлари ва жамият ҳаётида фаол иштирок этишларига замин яратишни кўзда тутаяди.

Европа Кенгашининг 2014-йилги "Кексаларнинг инсон ҳуқуқларига оид тавсиялари". Ушбу ҳужжат кексаларга нисбатан айирмачиликка йўл қўймаслик ва уларнинг ижтимоий ҳаётда тўлақонли иштирокини таъминлаш чораларини кўзда тутаяди. У кексаларнинг ижтимоий ҳимоя тизимларидан фойдаланишлари, тиббий хизматлар билан таъминланишлари ва иқтисодий ҳуқуқларини кафолатлашни талаб қилади.

"Яшариш йиллиги" ташаббуси. БМТнинг Яшариш йиллиги (2021–2030 йиллар) доирасида кексаларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш ва уларнинг соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя ва таълим олиш ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида глобал миқёсдаги саъй-ҳаракатлар жадаллаштирилди. Бу ташаббус кексаларнинг узок-умр кўришини, соғлом ва фаоллик билан



## КЕКСАЛАР УЛАРНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ ВА ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИГИ

кечадиган ҳаёт кечиришларини рағбатлантиришни мақсад қилади.

Ўзбекистон Республикасида кексалар ҳуқуқлари ва ижтимоий фаоллигини таъминлашга оид бир қатор муҳим қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинган. Энг муҳимлари қуйидагилардир:

"Кексалар ва ногиронлар тўғрисида"ги қонун. Ушбу қонун кексаларнинг ижтимоий ҳимоя қилинишини таъминлаш, уларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва ҳаёт сифатини оширишга қаратилган. Мазкур қонунда кексаларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва жамиятда уларнинг фаол иштирокини таъминлаш механизмлари кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

нинг кексалар ва ногиронларни кўллаб-қувватлаш бўйича фармонлари ва қарорлари мавжуд бўлиб, ушбу ҳужжатлар доирасида кексаларга кўрсатиладиган моддий ва маънавий ёрдам ҳажми кенгайтирилди. Кексаларнинг пенсия таъминоти тизими такомиллаштирилиб, уларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш мақсадида кўплаб ижтимоий дастурлар амалга оши-

лашга қаратилган. Ўзбекистонда кексаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этишларига оид қонунлар қабул қилинган бўлса-да, халқаро стандартларга тўлиқ мос келиш учун янада чуқурроқ ислохотлар талаб қилинади.

Ўзбекистон қонунчилиги халқаро тамойилларга мос келади, бироқ амалиётда айрим тўсиқлар мавжуд. Кексаларнинг ижтимоий ҳимоя тизимидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, пенсия тизимини ислоҳ қилиш ва уларнинг жамият ҳаётига интеграциясини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўриш лозим.

Кексаларнинг жамиятдаги ўрни ва ижтимоий фаоллигини ошириш учун халқаро ва миллий қонунчиликда муҳим қадамлар қўйилган. Халқаро даражада қабул қилинган ҳужжатлар кексаларнинг ҳуқуқларини кафолатлайди, миллий қонунчилик эса уларни ҳаётга татбиқ этади. Келгусида Ўзбекистонда кексалар ҳуқуқларини янада яхшироқ ҳимоя қилиш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш учун қуйидаги тавсиялар берилди:

Кексалар учун ижтимоий хизматларни кенгайтириш ва уларнинг сифатини ошириш;

Уларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини рағбатлантириш учун махсус дастурлар яратиш;

Халқаро ҳуқуқий тамойилларга тўлиқ мос келадиган янги қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

Кексаларнинг соғлиқни сақлаш ва таълим хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш.

**Кексаларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш жамиятда барқарорлик ва фаровонликни таъминлашга хизмат қилади. Шу сабабли, халқаро тажриба ва миллий қонунчиликни уйғунлаштириш орқали кексалар ҳуқуқларини мустаҳкамлаш устувор вазифалардан бири бўлиб қолади.**

**Фарингиз ЮСУПОВА,**  
Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (ПхД), Тошкент давлат юридик университети, Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари кафедраси ўқитувчиси

# МАРКАЗЛАШГАН ЛАБОРАТОРИЯ

**БОЁВУТ ТУМАН ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИДА  
ИЛК МАРОТАБА ТАЖРИБА-СИНОВ  
ТАРИҚАСИДА ПОЛИКЛИНИКАЛАРГА  
ХИЗМАТ КўРСАТУВЧИ МАРКАЗЛАШГАН  
ЛАБОРАТОРИЯ ХИЗМАТИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

– Республикамизнинг 3 та ҳудудиди, жумладан, Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳри, Тошкент шаҳрининг Яшнобод тумани ҳамда бизнинг Боёвут туман тиббиёт бирлашмасида 2025 йилнинг 1 январидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан марказлашган лаборатория хизмати йўлга қўйилди, зарур лаборатория аппаратлари ва жиҳозлар келтирилмоқда, – дейди Боёвут туман тиббиёт бирлашмаси марказлашган лаборатория бўлими мудир

**Абдунаби Каримжонов.** – Бунинг афзал жиҳати шундаки, аввалги лаборатория хизматларидан фарқли равишда бир вақт ва бир соатнинг ўзида 250 нафар бемордан олинган кон намунасида 40-50 хил турдаги биохимик лаборатория таҳлилларини ўтказса бўлади. Олдинлари эса 13, нари борса, 15 турдаги биохимик таҳлил ўтказилар эди. Қувонарлиси, лаборатория таҳлилари инсон омилисиз жохон стандартлари асосида илгор усулларда амалга оширилади.

Марказлашган лабораторияга биоматериаллар эса бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида таҳлил учун олинган (қон, пешоб) намуналар махсус жиҳозланган автотранспорт воситалари орқали келтирилади. Таҳлил натижалари эса ҳеч қандай оврагарчиликларсиз, электрон ахборот тизими орқали бемор картасига тушади. Бемор бошқа ихтисослашган шифо босқинларида даволаниши керак бўлган тақдирда ҳам ушбу база орқали ўз натижаларни олиши кафолатланади.

Марказлашган лаборатория хизматлари бирламчи бўлган муассасаларига бириктирилган аҳолига йўлланма асосида кафолатланган пакет доирасида кўрсатилади. Харажатлар Давлат тиббий суғур-



таси жамғармаси томонидан қоплаб берилди.

– Қувонарли томони, олис ҳудудда яшайдиган фуқаро ҳам ўз поликлиникасида топширган таҳлилларининг натижаларини туман марказига келмай ўз поликлиникасидан олади.

Бу эса нафақат беморга, даволоччи шифокорга касалликларни аниқлашда, самарали ва аниқ натижаларга эришишда ёрдам беради, – дейди **Абдунаби Каримжонов.**

**Ғулом ПРИМОВ.**



Новости медицины

# НОВЫЙ ЭКСПРЕСС-ТЕСТ ДЛЯ ВЫЯВЛЕНИЯ БАКТЕРИЙ

**Экспресс-тест для выявления бактерий, устойчивых к антибиотикам разработали российские учёные. При использовании нового метода анализ на антибиотикорезистентность занимает 1,5 часа, тогда как стандартные тесты занимают от 24 до 48 часов.**

Авторы проекта – объединённая группа исследователей из Московского государственного университета им. М.В. Ломоносова, НИИЦ акушерства, гинекологии и перинатологии им. В.И. Кулакова, Центра молекулярной и клеточной биологии Сколковского института науки и технологий, Института физики твёрдого тела им. Ю.А. Осипьяна.

Они предложили определять устойчивость бактерий к антибиотикам с помощью экспресс-теста на основе рамановской спектроскопии. Это метод, который позволяет идентифицировать соединения по их взаимодействию со светом.

Как пояснили разработчики, сначала для проведения экспресс-теста из клинического образца – выделений со слизистых оболочек, мочи, крови, мокроты и других – выделяют бактериальную культуру. Затем её обрабатывают

растворами с разными концентрациями антибиотика, добавляют индикатор активности обмена веществ в клетках и проводят спектральный анализ.

Уже через полтора часа видны изменения в метаболизме бактерий, по которым можно сделать вывод о минимальной концентрации лекарственного препарата, необходимой для подавления роста данного микроорганизма.

Признаком повреждения или гибели клетки под воздействием антибиотика является разрушение её стенок, мембран, рибосом и других структур. Всё это показывает спектроскопия.

Первыми «участниками эксперимента» стали бактерии *Escherichia coli* и *Klebsiella pneumoniae*. Их протестировали на чувствительность к трём часто применяемым антибиотикам – ампициллину, канамицину и левофлоксацину.

Контрольную группу микроорга-

низмов исследовали стандартным методом Etest, который широко используется в медицинской практике.

Результаты совпали. Таким образом, эта простая и недорогая в исполнении технология, доказала свою высокую надёжность при значительном сокращении длительности анализа.

Разработка, как только она будет оформлена в виде новой медицинской технологии и официально внедрена в клиническую практику, позволит врачам быстро и точно определять минимальную концентрацию антибиотиков, необходимую для подавления роста бактерий.

Как следствие, это сократит время на выбор адекватной антибактериальной терапии и повысит эффективность лечения. При этом, как отмечают авторы проекта, сократится избыточное применение препаратов широкого спектра действия, что очень важно.

Экспресс-тест можно будет применять и в больничных условиях, и в мобильных, полевых лабораториях.

К слову, в стационарах он полезен не только для индивидуальной оценки чувствительности патогенов у конкретного пациента, но также поможет



отслеживать распространение в клинике устойчивых к антибиотикам госпитальных штаммов инфекций.

–Технология открывает возможности для решения глобальной проблемы распространения инфекционных заболеваний и роста антибиотикорезистентности.

В дальнейшем мы планируем ещё больше ускорить проведение теста за счёт работы с клиническими образцами без выделения чистых культур микроорганизмов, – заверила руководитель проекта доцент кафедры химии природных соединений МГУ им. М.В. Ломоносова доктор химических наук Елена Завьялова.

«Медицинская газета»

## Фуқаро муҳофазаси ойлиги

### АХОЛИНИ ОГОҲЛИККА ЧОРЛАШ

Мамлакатимизда ёнгин олдини олиш учун аҳолини огоҳликка чорлаш, ҳудудда хавфсизликни таъминлаш мақсадида маҳалла посбонлари ҳамда кенг жамоатчилик орасида суҳбат, учрашув, йиғилиш каби тадбирларни амалга ошириб келмоқдамиз.

Ёнгин хавфсизлиги тизимида бу тадбирлар янгилик эмас. Йилдан-йилга ёнгинлар олдини олиш, уларнинг содир этилишига йўл қўймалик мақсадида жамоатчилик билан кўпроқ алоқада бўлиб, улар билан «Олов тилсиз ёв» мавзусида турли суҳбатлар ўтказилмоқда. Бундай маълумотлардан хабар топган ҳар бир инсон ўзи бир хулоса чиқариши зарурдир. Чунки ёнгин нафақат уй қурилмалари ва жиҳозларини кулга айлантиради. Ушбу офат қўллаб инсонлар ҳаёти, соғлиги ва ёшлигини ўзи билан олиб кетади. Бир умрга мажруҳга айлантиради.

Биз ёнгин хавфсизлиги бўлими ходимлари маҳалла фаоллари, барча инсонлар, хонадон эгалари ва фарзандларимизни огоҳликка чакирамыз!

**А. КАДИРОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Президент  
Администрацияси биносида  
ЎХТТЕ 1-бўлимаси кичик  
инспектори, кичик сержант.

### ЭҲТИЁТКОРЛИК ЗАРУР

Зилзила вақтида ҳар қандай одам саросимга тушиб, ўзини – ўзи бошқара олмай қолиши турган гап. Кўпчилигимиз бундай ҳолларда нима қилишни, зилзила вақтида қандай қилиб жон сақлашимиз мумкинлигини билмаймиз ҳам. Шундай экан, сизга қуйидаги эслатмаларни тавсия этамиз:

– ер силкинishi хавфи бўлганда бинодан чиқиб йўлни олдиндан белгилаб қўйиш керак. Ёнингизда бўлсан – ер силкинishi ярим тунда ҳам юз бериши мумкин. Чиқиб йўллари, эшиклар одамлар билан тирбанд бўлиб, ташқарига тез чиқиб қийинлаштирилади. Бинони зудлик билан тарк этиш биринчи қават деразалари орқали ҳам амалга оширилади;

– уйингиздаги хавфсиз жойларни олдиндан белгилаб қўйиш, бу – хонанинг асосий деворлари орасидаги бурчаги, ички эшиклар ўрни, стол, карават, станоклар ости бўлиши мумкин. Ер қимирлаганда уйнинг энг хавфли жойлари – ички ва ташқи дераза остилари, деворларнинг ойна билан қопланган қисмлари, айниқса, охир-

ги қаватлардаги бурчакда жойлашган хоналар, лифт ва зинапоя майдончалари бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиш керак.

– оила аъзоларингиз ва болаларга хавфсиз жойни эгаллашни ўргатиш зарур.

**Жанибек САЛИМБАЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Администрацияси маъмурий биносида  
ЎХТТЭБ 4-бўлимга кичик инспектори,  
катта сержант.

### БОЛАЛАРИМИЗНИ ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛДИРМАЙЛИК

Биз ёнгин хавфсизлиги бўлими ходимлари ҳар бир ота-она, оила, мактаб, маҳалла оқсоқоли, ва фаоллари, маҳалла профилактика инспектори ва посбонлар билан биргаликда пиротехника воситаларини сотиш ва улардан фойдаланишга қарши курашмоқдамиз.

Бироқ, айрим ота- оналар уни ўйинчоқ сифатида фарзандларига олиб берадилар. Ёнгин хавфсизлиги хизматидаги маълумотларга кўра, бу пиротехника воситаларини ўйнаш оқибатида эҳтиётсизлик қилган 50 нафарга яқин бола турли даражадаги жароҳатлар олиб шифохоналарга мурожат қилишган. Масалан, Тошкент шаҳрида яшайдиган Ю.Каримнинг қўлида пакилдоқ портлаб кетиб, бир кўзи кўр бўлиб қолган. Қашқадарёлик мактаб ўқувчиси пакилдоқ ва салютни ота- онасидан яширинча, пичани гармининг орқасида беркиниб отади. Қуриб ётган пичан пакилдоқ учқундан аланга олиб кетади. Худди шундай ҳолат яна бир қишлоқ хонадонидан рўй беради. Унда томга бостирилган хашак ёниб, катта ёнгинга айланади.

Биз катталар болаларимизга берган пулни нимага сарф қилаётганларини назорат қилсак, оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигини яхшила- сак, анчагина кўнгилсиз ва бахтсиз ҳодисаларни олдини олган бўламыз.

**А. ХОЛИМУХАМЕДОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Бош вазир  
қотибияти, Ҳукумат уйи биносидан  
фойдаланиш бошқармасида ва хўжалик  
фаолияти бошқармасининг автохўжалиги  
биносида ЎХТТЭБ инспектори, лейтенант.

### НАЗОРАТНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

Болаларни шўхлиги билан боғлиқ бўлган ёнгинларнинг келиб чиқишига асосий сабаблардан бири ота- оналарнинг ўз фарзан-

дларига бўлган эътиборсизлигидир. Шу боис, болалар билан боғлиқ ёнгин ҳодисаларининг олдини олиш, уларни олов билан ўйнаши, ёнгин содир бўлишига йўл қўймалик мақсадида олов билан боғлиқ уй юмушларини буюрмасликка, болалар олдида сигарета чекмаслик ва оловли ишларини бажармаслик электр розеткалар тешикларини махсус пластик копламалар билан беркитиб қўйиш, болаларга оддий ёнгин хавфсизлиги қондаларига риоя қилишлари юзасидан доим тушунчалар бериб бориш ва болалар билан ёнгин вақтида ҳаракатланиш тартиблари бўйича машғулотлар ўтказиш, уйда ёнгин содир бўлганда болалар хона ичида қолиб кетмасликлари бўйича тушунтириш ишлари олиб бориш зарур. Шунингдек, хонада ёнгин ҳолатлари рўй берганда ўз бошимчалик билан оловни турли хил йўллار билан ўчириш мумкин эмаслигига ҳам риоя қилиш муҳим.

**Айдар МЎМИНЖОНОВ,**  
Қорасув Қароргоҳи Давлат  
Резиденцияси ОЎХТТЭБ кичик  
инспектори, кичик сержант.

### ТЕЗКОРЛИК ТАЛАБ ЭТИЛАДИ

Ҳар бир фуқаро ёнгин ёки ёнгин аломатларини, тутун, қуйган хид, ҳароратнинг ёнгин кўтарилиши ва бошқа ҳолатларни сезганда қуйидагиларни бажариши лозим:

- телефон алоқаси орқали дарҳол ёнгин хавфсизлиги хизматларига хабар беришлари ва хабарда воқеа содир бўлган манзил, ёнгин чиққан жой ва ўз исми шарифини айтиши керак;
- иложи борича инсонларни қутқариш, ёнгинни ўчириш ва моддий бойликларнинг сақлаб қолиш чораларини кўриш муҳим.
- ёнгин жойга етиб келган қорхона раҳбари ёки бошқа мансабдор шахснинг мажбурияти;
- ёнгин ҳақидаги хабарни ёнгин хавфсизлиги хизматида телефон орқали такроран хабар бериб тасдиқлаши ва юқори лавозимдаги раҳбарлар, диспетчерлар, маскан бўйича жавобгар навобатчиларга маълум қилиши керак;
- инсонлар ҳаёти учун хавф туғилган тақдирда, уларни мавжуд куч ва воситалари ёрдамида қутқариш чораларини кўриши;
- автоматик равишда ёнгинни ўчириш мосламаларини, ёнгин ҳақида одамларга хабар бериш ва тутундан химоялаш воситаларини ишга туширилганини текшириши.

**Азизхон АСИЛБАЕВ,**  
“Қорасув” Қароргоҳи Давлат  
Резиденцияси ОЎХТТЭБ кичик  
инспектори, кичик сержант.



### ВОЗ сообщает о росте детской заболеваемости туберкулезом в Европейском регионе

По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ), в 2023 году в Европейском регионе ВОЗ заболеваемость туберкулезом среди детей выросла на 10%. Это свидетельствует о необходимости принятия немедленных мер по борьбе с распространением инфекции.

Европейский регион ВОЗ включает 53 страны Европы и Центральной Азии. В 2023 году здесь было зарегистрировано свыше 7500 случаев заболевания среди детей в возрасте до 15 лет, что более чем на 650 случаев больше, чем в 2022 году.

–Настораживающий рост числа детей, больных туберкулезом, служит напоминанием о том, что прогресс в борьбе с этим предотвратимым и излечимым заболеванием остается непрочным, – сказал директор Европейского регионального бюро ВОЗ Ханс Хенри Клоге.

По мнению Аскара Едилбаева, регионального советника ВОЗ по туберкулезу в Европейском регионе ВОЗ, рост числа случаев может свидетельствовать о повышении качества диагностики.

Согласно совместному отчету ВОЗ и Европейского центра по контролю и профилактике заболеваний, на долю детей в возрасте до 15 лет приходится 4,3% всех случаев заболевания туберкулезом в Европейском союзе.

Заболеваемость в данной возрастной группе увеличивается уже третий год подряд, что, по словам Едилбаева, является «настораживающим вариантом развития событий».



## Истеъдод

Бугунги қахрамонимизнинг соҳаси Робототехникага оид бўлсада тиббиёт учун жуда катта ишни амалга оширишга қодир. Сирдарё ўғлини Аброр Йўлдошев сунъий қўл яратди ва у ҳозирда деярли тайёр 1-2 деталлар етиштиришга қодир. Бу лойиҳаси ижобий тақриз олса Ўзбекистон яна бир кашфиётчи ўғлонни дунёга етиштириб чиқарди дегани. Аброр Йўлдошев билан суҳбат қилар эканман очик кўнгиллиги, тез киришимлилигига қойил қолдим.

**К**ахрамон дўстимиз ёш бўлишига қарамадан ҳозирги пайтда бир канча шогирдларнинг устози ҳам. Робототехника ва замонавий фанлардан сабоқ бериб келмоқда. Давлатимиз раҳбари ҳам ҳар ёшлар билан учрашганларида Робототехника соҳасига катта эътибор қаратмоқдалар. Дарвоқе бу соҳа тиббиёт билан ҳам боғлиқ эканлигига Аброр Йўлдошев ғояси яъни сунъий қўл мени ҳам эътиборимни тортди. Аброр Йўлдошев бугунги кунда "Мард ўғлон" давлат мукофотига номзод ҳам. Ҳозирги пайтда худудларда бу мукофотнинг саралаш босқичлари амалга оширилмоқда. Дўстимиз ёшлар кунни арафасида давлат раҳбарининг қўлларидан "Мард ўғлон" давлат мукофотини олган пайтда ҳам яна бир бор интервью қилиш насиб қилсин деб дуо қиламан деб бошлаймиз.

Сунъий қўл яратиш ғояси қачон пайдо бўлди?

Бу ғояни пайдо бўлишини ўз тарихи бор. Қишлоғимизда бир йигит бўлиб, у ёшлигида соғлом эди. Бахтсиз ҳодиса оқибатида ўнг қўлидан айрилиб қолади. Шу вақтларда мен айнан протез қўл ясаш мумкин бўлган сенсорларни ишлаш тамойилини ўрганиб юрган эдим. Бу воқеани эшитиб дарҳол протез қўл ясаш ғояси пайдо бўлди.

Ушбу лойиҳа устида ишлаш жараёни

Ҳар қандай лойиҳани амалга оширишда мен учун унинг ҳар бир жиҳати муҳим, шу жумладан, унинг ташқи кўриниши дизайни ҳам жуда муҳим. Протез қўлни дизайнини мен ҳар бир детални

аниқлик билан чизганман. Унинг 3д кўринишини 3д принтердан чоп этганман ва бу жараён бир мартада ўхшамаган, уни қайта қайта чиқазганман.

Ушбу лойиҳа орқали ўрганган энг муҳим дарслар нималар?

Мен ҳар қандай лойиҳаларни амалга оширишда, унга

ёки онлайн курслар ҳамда ютуб платформасида ўрганишни тавсия қиламан. Робототехника мутахассислари ҳеч қачон ривожланиш ва янги билимларни ўрганишдан тўхтамаслиги керак деб



# СИРДАРЁНИНГ ИХТИРОЧИ

# ЎҒЛОНИ

нида қандай қийинчиликларга дуч келдингиз?

Ҳар бир ишни амалга оширишда кўплаб муаммолар бўлгани каби, ғояларни лойиҳа стартуп ҳолатига келтиргунча жуда кўп муаммолар бўлади. Шу жумладан, протез ясашда уни бошқа чет давлатларниқидан фаркли ва мукамал қилишни ҳам ўзига яраша қийинчиликлари бўлди. Менда асосий муаммо, инсоннинг миясидан қўлга, бармоқларга келадиган "сигналлар"ни қабул қилиб уни протез қўлга узатиб, улар орасида тўхтовсиз боғлиқликни амалга ошириш қийинчиликни келтириб чиқарди.

Сунъий қўлни қандай материаллардан тайёрладингиз ва нима учун айнан уларни танладингиз?

Бу протез қўл ҳозирги прототип ҳолатига келгунча унинг бошқарув қисми учун ардуино ва ESP8266 микрочипларидан фойдаландим. Унинг ташқи кўриниши учун 3д кўринишини чизиб, 3д принтерда чоп этдим. Энг асосий қисм бўлган бармоқларнинг ишлаши учун махсус маторчиклардан фойдаландим.

Лойиҳани амалга оширишда қандай технологиялар ёки дастурларни ишлатдингиз?

Лойиҳани иш ҳолатига келтириш учун мен анча меҳнат қилдим негаки бу лойиҳа бошқа лойиҳаларимдан анча жиддий лойиҳа бўлиб, бунда уларга нисбатан аниқлик кўпроқ бўлиши керак эди. Шунинг учун протез қўл лойиҳасини асосий бошқарув дастурини "Python" дастурлаш тилида ёзиб чиқдим. Бунинг дастурини ёзишда жуда кўп ўз соҳасининг мутахассислари билан маслаҳатлашиб улардан керак жойда дарс олдим.

Сиз учун энг муҳим бўлган дизайн ва функционаллик қайси?

нисбатан жиддий маъсулият билан ҳаракат қиламан. Ҳар бир лойиҳа қийинчилик даражасидан келиб чиқиб, чуқур билимларни ўзлаштиришга ундайди. Бу протез қўл лойиҳаси мен қилган лойиҳаларим орасида энг муҳим ва жиддий лойиҳа бўлди. Мен бу лойиҳани амалга ошириш учун ўртача 1 йил вақт давомида чуқур изландим. Менга бу лойиҳа сабрли бўлишни ўргатди, негаки лойиҳа тўлиқ иш ҳолатига келгунча жуда кўп муваффақиятсизликларга тўғри келди.

Келажақда сунъий қўлни янада тақомиллаштириш учун нимани режалаштирясиз?

Келажақдаги режалар тўғрисида гапирадиган бўлсам, сунъий қўл лойиҳаси келажак учун ҳозир ҳам изланишлар олиб бораётганман. Бундай қўлларни энг мукамаллари Япония, Корея, Хитой давлатларида тезлик билан ривожланиб бормоқда. Бу лойиҳа келажақда бемалол чет давлатларининг шундай лойиҳалари билан рақобат қила олиши учун изланиш олиб бораётганман.

Робототехника соҳасида ишлаш учун тавсия қилган энг яхши китоб ёки ресурс қандай?

Мен Робототехникани Тошкент шаҳридаги "Transformers edu" ўқув марказида ўрганман. Робототехникани китобдан ўрганиш қийинчиликларини келтириб чиқариш мумкин, чунки бу соҳа фақат амалиётни талаб қилади. Шунинг учун бирор курсда

ўйлайман. Бу соҳа жадаллик билан ривожланиб бормоқда.

Сизнинг фикрингизча, сунъий қўллар келажақда қандай ўзгаришлар кiritиши мумкин?

Сунъий қўллар келажақда қўлларидан айрилган инсонлар учун жуда ҳам фойдали кўмакчи бўлишига ишонаман. Инсоннинг ўз қўлидек бўлмаса ҳам ташқи кўриниши жиҳатидан жуда ҳам ўхшаш ва инсоннинг ўз қўли билан бажара оладиган ишларнинг 60-70 фоиз вазифаларини амалга оширадиган ва бу кўрсаткич вақт ўтгани сари кўтарилиб, камчиликлар тўлиқ бартараф этиб борилади.

Ўзингизни келажақда қандай ким сифатида кўрасиз?

Мен ҳозирда Тошкент шаҳрида бир канча мактабларда келажак касблари (Сунъий интеллект, Робототехника, аэродинамика) фанларидан ёш авлодга дарс бериб келмоқдаман. Ўқувчиларимнинг ҳам бу соҳага меҳри бўлақча. Келажақда ўзимнинг катта лабораториям бўлади ва у ерда шогирдларим билан юртимиз ривожини учун долзарб инновацион лойиҳалар қилишни режа қилаётганман.

Суҳбатдош: Мухаммад Али РЎЗИБАЕВ  
Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси,  
"Ёшлар қаноти" фаоли.

## МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси  
Соғлиқни сақлаш  
вазирлиги

## ТАҲРИРИЯТ ҲАЙЪАТИ:

Таҳрир ҳайъати раиси –  
Асилбек ХУДАЯРОВ – Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири.  
Таҳрир ҳайъати аъзолари:  
Абдулла УБАЙДУЛЛАЕВ – профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги.  
Анвар АЛИМОВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.  
Фарход ХАНАПИЯЕВ – Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Республика Кенгаши раиси.  
Дамин АСАДОВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.  
Нурмат АТАБЕКОВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.  
Жасур РИЗАЕВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.  
Мурат ҚУРБАНОВ – Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири.  
Фарход РАҲИМҚУЛОВ – Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазири котибияти.  
Фурқат САНАЕВ – Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот котиби.  
Барно ОДИЛОВА – Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Стратегик режалаштириш, статистика ва самарадорликни баҳолаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари.  
Улугбек СОБИРОВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.  
Саидмурод ИСМАИЛОВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.  
Муроджон ИРИСМЕТОВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.  
Азамат ЮСУПОВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.  
Солижон МЎМИНОВ – тиббиёт фанлари номзоди.  
Хуршид ФОЗИЛОВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.  
Мирзағолиб ТИЛЯШАЙХОВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.  
Наргиза ПАРПИЕВА – тиббиёт фанлари доктори, профессор.  
Шухрат БОЙМУРАДОВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.  
Рихси САЛИХАДЖАЕВА – тиббиёт фанлари доктори.  
Валихон ҲАКИМОВ – доцент.  
Зафар СИДДИҚОВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.  
Зоҳид АБДУРАҲИМОВ – Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Назарбек санаторийси директори.  
Ғайрат КАРИЕВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.  
Шухрат МУХТОРОВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.  
Раъно НОСИРОВА – Ҳамширалар академияси ректори.

Бош муҳаррир  
Ибодат СОАТОВА

Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0015-рақами билан рўйхатга олинган.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Саҳифаловчи: Нарзулла Ҳамроев  
Таҳририят манзили: 100060, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси,  
30 уй, 2-қават. Тел/факс: (71)233-13-22, тел.: (71)233-57-73.

Газета "Шарқ" нашриёт – матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.  
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41 уй/Тел/факс: (71)233-11-07.

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг пайшанба кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда "O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Zdravooxranenie Uzbekistana" газетасидан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газета ҳажми 2 босма табоқ.  
Формати А3. Офсет усулида чоп этилган.  
Адади – 571 дона. Буюртма рақами Г – 338.  
Босмаҳонага топширилиш вақти: 21 – 00.  
Топширилди 20 – 00.  
3 4 5 6 7